



## ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ИННОВАЦИЯ АСОСИДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

[doi: \[https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\\_iss1/a34\]\(https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\_iss1/a34\)](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a34)

**Абдиева Дилнавоз Акрамовна**  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва  
молия вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби докторанти

**Аннотация.** Мақолада тўқимачилик саноати корхоналарида бозор ўзгаришларига мосланувчаликни таъминлаш мақсадида унинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини излаб топишда халқаро савдо ва савдо сиёсати назариялари можияти ўрганилган.

**Калит сўзлар:** халқаро савдо, савдо сиёсати, экспорт, тўқимачилик саноати.

## РАЗРАБОТКА СТРАТЕГИИ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИЙ В ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

**Абдиева Дилнавоз Акрамовна**

Докторант Высшей школы бизнеса и предпринимательства  
при Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан

**Аннотация.** В статье рассматривается значение теории международной торговли и торговой политики для обеспечения адаптивности к рыночным изменениям предприятий текстильной отрасли в поисках возможностей повышения их экспортного потенциала.

**Ключевые слова:** международная торговля, торговая политика, экспорт, текстильная промышленность.

## DEVELOPING STRATEGIES FOR INCREASING EXPORT CAPACITY BASED ON INNOVATION IN THE TEXTILE INDUSTRY

**Abdieva Dilnavoz Akramovna**

Doctoral student of the Higher School of Business  
and Entrepreneurship under the Ministry of Economy  
and Finance of the Republic of Uzbekistan

**Annotation.** The article examines the essence of international trade and trade policy theories in order to ensure adaptability to market changes in textile industry enterprises in search of opportunities to increase their export potential.

**Key words:** international trade, trade policy, export, textile industry.

**Кириш.** Республикаизда пахта хом ашёсини етишириш ва уни қайта ишлаш орқали тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида тарихий тажрибалар тўпланган ҳамда етарлича моддий-техника базаси шакллантирилган. Зероки, тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришин давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш» вазифаси белгиланган бўлиб, мазкур вазифани муваффақиятли бажарилиши республикамиз тўқимачилик саноати экспорт

порт фаолиятида фойдаланилмаётган ички имкониятларни излаб топишда уни шакллантириш омилларини таснифлаш масаласини тадқиқ этишни тақозо этади [1]. Шунингдек, мамлакатимиз томонидан GSP+ бенефициари мақомини олиш маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилувчилар учун мустаҳкам пойдевор яратди, бу эса кейинчалик барқарор ўсиш ва экспорт маҳсулотлари ассортиментининг диверсификация қилиш имконини берди, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан тўқимачилик соҳасида ўзаро манфаатли савдо алоқаларининг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Шу боисдан, тўқимачилик саноатида инновация асосида экспорт салоҳиятини ошириш стратегияларини

ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири саналади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Кўпинча стратегия деганда ташкилотнинг узоқ муддатли мақсадларига эришиш учун юқори бошқарувнинг узоқ муддатли режаси тушунилади [2]. Баъзи муаллифлар, бу бизнес раҳбарларининг ишлаб чиқариш, маркетинг ва савдо, даромад ва харажатлар ёки капитал инвестицияларга нисбатан узоқ муддатли ниятларидир, деган фикрни билдирадилар. Шуни таъкидлаш керакки, «стратегия» тушунчаси ва уни тушуниш ишбилармонлик мұхитининг эволюцияси билан бирга ўзгарди[3].

Ривожланган Фарб давлатларида «стратегия» тушунчаси бизнесга XX асрнинг 50-60 йилларида кириб келган. Шу даврдан бошлаб корхонани бошқаришда стратегия нинг моҳияти ва азмунини тавсифлаш бора-сида бир қатор дунёқараашлар вужудга келди.

Менежмент соҳасида дунёда энг таниқли олимлардан бири бўлган Г.Минцберг мутахассислар орасида «стратегия» атамасига нисбатан ягона тавсиф йўқ эканлигини кўп марта таъкидлаган. Г.Минцберг, Дж.Б.Куин, С.Гошал ўзларининг стратегик жараёнга бағишиланган асарларида ««Қандайдир ягона умум қабул қилинган стратегия умуман бўлмайди, деб кўрсатадилар [4].

Вебстернинг таниқли луғатида стратегия йирик кўламдаги режалаштириш ва фаолият йўналишини белгилаш сифатида аниқланган. Россия энциклопедик луғатида «ҳарбий стратегия» тушунчаси талқин қилинади, бошқа «ҳарбий эмас» деган талқинлар келтирилмаган.

Стратегия атамасини талқин қилишда икки ёндашув кўзга ташланади. Биринчи ёндашув нуқтаи назаридан, стратегия ташкилот нимага интилаётгани, бошқарув қарорларини қабул қилишда нимага асосланиши, корхона фаолиятининг устувор йқилишда нимага асосланиши, корхона фаолиятининг устувор йналишлари қандай эканлигини билдиради. Бу каби ёндашув Р.Румельт, Дж.Б.Куин, К.Эндрюс асарларида баён этилган [5].

К.Эндрюс фикрига кўра, корпоратив стратегия – бу қарорлар қабул қилиш режаси бўлиб, у фирманинг мақсади ва вазифаларини очиб беради, қўйилган мақсадларни амалга оширишнинг асосий сиёсати ва вазифаларини ишлаб чиқади, компаниянинг асосий иш фаолиятини ўзида мужассамлаштирган бизнеснинг соҳасини аниқлади, шунингдек, мазкур акциядорлик жамиятининг иқтисодий ва

ноиқтисодий ютуқларининг табиатини ёритиб беради[6]. Дж.Б.Куин ўзининг ўзгаришлар стратегиясига бағишиланган асарида стратегияга нисбатан қуйидаги таърифни келтиради: «стратегия – бу ташкилотнинг мақсадлари, сиёсати ва бир бутунликдаги фаолиятини тавсифловчи паттерн ёки режадир. Тўғри шакллантирилган стратегия ҳар доим ташкилотнинг чекланган ресурсларини маълум маънода самарали ва тўғри маънода кўра билишликка асосланган ҳола тартибга соли шва тақсимлаш имкониятини берди» [7].

Иқтисодчи олимларимиздан М.Р.Болтабоев маркетинг стратегиясининг таърифига узоқ муддатли мақсадларини ифодалаш ва мавжуд ресурсларини очилиётган имкониятлар билан таққослаб кўриш йўли билан ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш жароғи сифатида ёндашади [8].

Исаев Р.А. томонидан Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатида сифат менежменти ва стратегик менежмент интегралашган тизимида тўқимачилик саноати корхоналари ривожланиш стратегияларини амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган [9].

“Корхонанинг экспорт салоҳияти” тушунчасининг асосий таърифларини кўриб чиқамиз. Ресурсга йўналтирилган ёндашувга кўра И.А.Русаковнинг фикрича “корхонанинг экспорт салоҳияти - корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, ўз маҳсулотларини хорижга сотиш, тўғридан-тўғри хорижий инвеститсияларни жалб қилиш ва халқаро кооператив саноат жараёнларида иштирок этишнинг умумий қобилиятидир”[10]. Бошқа бир Россиялик олим Г.И.Яковлев экспорт учун маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш фаолияти билан боғлаган ҳолда “корхонанинг экспорт салоҳияти - бу корхонанинг экспорт учун рақобатбардош маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқариш, уларни ташқи бозорда илгари суриси, фойдали сотиш ва керакли даражадаги хизматларни тақдим этишнинг умумий қобилияти”дир деб баҳолайди [11].

Маҳаллий олимлардан М.Р.Болтабоев [12], Ё.Кариева[13], З.Адылова[14], Н.М.Муминова[15] асарлари тўқимачилик корхонасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва стратегияларини ишлаб чиқиш муаммоларини ўрганишга бағишиланган.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида ста-

тистик, танлаб кузатиш, таққослаш, таснифлаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ушбу тадқиқотнинг мақсадлари махсулот бозорларида корхона хатти-ҳаракатларининг хусусиятига қараб стратегияларни таснифлаш орқали унинг стратегик ривожланишида экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг заҳираларини аниқлашни назарда тутади. Муаллиф тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини (ЭСФД) ошириш стратегиясини шакллантириш муаммосини ҳал қилишда уни барқарорлаштириш стратегияси (хужум-мудофаа стратегияси)

билин тўлдириш орқали таниқли таснифни такомиллаштиришни таклиф қиласди. Шундай қилиб, олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида корхонанинг қуйидаги корпоратив стратегиялари аниқланади ва кўриб чиқиласди: «ёриб ўтиш» стратегияси, «барқарорлаштириш» стратегияси ва «омон қолиш» стратегияси.

Тўқимачилик корхонасида экспорт салоҳиятидан фойдаланиш фойдаланиш даражаси (ЭСФД) муқобил стратегиясини танлашнинг асосий параметрлари 1-жадвалларда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Тўқимачилик корхоналари учун экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси муқобил стратегиясини танлаш мезонлари

Корхонанинг умумий корпоратив стратегиясининг тури	Корхонани ривожлантиришнинг инновацион стратегияси	Корхонани ривожлантиришнинг инновацион тури	Экспорт Салоҳиятидан фойдаланиш ва ривожлантириш стратегияси	Стратегияни танлашнинг асосий мезонлари (параметрлари)
Ёриб ўтиш стратегияси (хужум стратегияси)	Генератор стратегияси	Интенсив ривожланиш	Тубдан олдинга силжиш стратегияси	1. Тўқимачилик саноати корхоналари стратегик ривожлантиришда экспорт салоҳиятининг умумлаштирилган реал интеграл кўрсаткичи $\Delta K_{KES,real} \rightarrow max.$
	Инноватор стратегияси		Лицензиялаш стратегияси	
	Имитатор стратегияси		Махсулот ва/ёки жараённи тақлид қилиш стратегияси	
Барқарорлаштириш стратегияси (хужум-мудофаа стратегияси)	Инноватор стратегияси	Бирлаштирилган ривожланиш	Ретро инновацияларни кўллаб-қувватлаш стратегияси	2. Экспорт салоҳиятидан фойдаланиш коэффициенти $\Delta K_{KES,foy.} \rightarrow max.$
	Имитатор стратегияси	Экстенсив ривожланиш	Кутиш стратегияси	
Омон қолиш стратегияси (мудофаа стратегияси)	Консерватор стратегияси	Интенсив ривожланиш	Бозор тенденциясига риоя қилиш стратегияси	
		Бирлаштирилган ривожланиш	Мавжуд ассортиментни кўллаб-қувватлаш стратегияси	
		Экстенсив ривожланиш	Жорий технологик мавқеларни сақлаб қолиш стратегияси	

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

ЭСФД стратегиясини ишлаб чиқиш жарайёнида нафақат юқорида муҳокама қилинган стратегиялар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш, балки корхонанинг инновацион ривожланишининг устун тури билан белгиланадиган ривожланишнинг сифат хусусиятлари саналган экстенсив ёки интенсив ривожланиш шаклларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ривожланишнинг интенсив шакли экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ўсишига унинг таркибини ташкил этувчи элементларини сифат жиҳатидан ўзгартириш орқали эришилганда юзага келади. Бунда корхонанинг ривожланиш суръати ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига жалб қилинган ресурслар ҳажмининг ўшиш суръатларидан

сезиларли даражада юқори бўлади. Экстенсив ривожланиш интенсив ривожланишдан фарқли ўлароқ, унинг таркибий қисмларининг миқдорий ўзгариши ҳисобига ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини оширишдан иборат. Бинобарин, ЭСФД стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарувчининг маҳсулот бозоридаги рақобатбардош хатти-ҳаракати тури, корхонанинг инновацион фаоллиги даражаси ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришнинг устувор тури ўзаро боғлик ҳолда ҳисобга олиниши керак.

Тадқиқот жараёнида тўқимачилик корхоналари учун экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси муқобил стратегиясини танлаш мезонлари асосида 6 та тўқимачилик корхоналари учун экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини (ЭСФД) ошириш стратегияси вариантларини танлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Хуласа ва таклифлар.** Тадқиқот жараёнида олинган натижалар бўйича қуйидаги хуласалар қилинди:

- тўқимачилик корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлашда пухта ҳар томонлама асосланган стратегияларни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Ушбу жараёнда ташқи ва ички муҳит омилларининг корхона ривожланишига, стратегияни амалга ошириш жараёнига таъсири баҳоланиши зарур бўлади. Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш ҳусусиятидан келиб чиқиб, шу хуласага келиш мумкинки, бозор, маҳсулот, истеъмолчилар, рақобат, таъминотчилар, экспорт кабиларни ҳисобга олган ҳолда комплекс равища интеграллашган стратегияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

- стратегияни амалга ошириш – мураккаб жараён, аммо, бизнингча, саноатнинг ўзиға хос ҳусусиятларига мослашиш ва замонавий инновацион усуллар ва сифат менежменти ва стратегик бошқарув воситаларидан комплекс фойдаланиш, масалан, баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими, жараёнила ватизимили ёндашувлардан фойдаланиш барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишга ёрдам беради, ишлаб чиқилган тизимнинг мураккаблиги ва мувозанатини таъминлайди ва энг самарали мақсадларга эришиш учун ўзаро таъсирни таъминлайди;

Тўқимачилик саноатида инновация асосида экспорт салоҳиятини ошириш стратегияларини ишлаб чиқиш орқали ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар берилди:

- маркетинг тадқиқотлари асосида бозор конъюнктурасини ҳар томонлама таҳлил қилиш, унинг ўзгаришларига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

- корхона имкониятларини ҳисобга олган ҳолда истиқболда ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, стратегиялар самардорлигини баҳолаш ва натижалар асосида ривожланишнинг муқобил вариантини танлаш;

- танланган стратегияни амалга оширишнинг йўл ҳаритасини ишлаб чиқиш, зарурий бюджетни шакллантириш, масъулларни ва амалга ошириш вақтини белгилаш;

- ходимларни ўқитиши, уларнинг кутиладиган ўзгаришларни қабул қилиш қўнимларини шакллантириш;

- стратегияни амалга оширишда сифат менежменти тамойиллари асосида стратегик бошқаришни самарали ташкил этиши.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент: учебник / Р.А. Фатхутдинов. - 7-е изд., исправленное и дополненное. - М.: Дело, 2005. - 448 с.
3. Грант Р. Современный стратегический анализ / Р. Грант. - 5-е изд. - Пер. с англ. под ред. В.Н. Фунтова. - СПб.: Питер, 2011.; Коробейников, О.П. Стратегическое поведение: от разработки до реализации / О.П.Коробейников, В.Ю. Колесов, А.А. Трифилова // Менеджмент в России и за рубежом. - 2002. - № 3.; Цикличность развития экономики и управление конкурентными преимуществами / Под. ред. д.э.н. Градова А.П. - СПб.: Изд-во «Полторак», 2011.
4. Минцберг Г., Альстрэнд Б., Лэмпел Дж. Школы стратегий / Пер. с англ. - СПб.: Питер, 2000. - 314 с.
5. Румельт Р. Оценка бизнес-стратегии / Минцберг Г., Куинн Дж.Б., Гошал С. Стратегический процесс. - СПб.: Питер, 2001. - 130 с.
6. Эндрюс К. Концепция корпоративной стратегии // Минцберг Г., Куинн Дж.Б., Гошал С. Стратегический процесс. - СПб.: Питер, 2001. - С.36.
7. Румельт Р. Оценка бизнес-стратегии / Минцберг Г., Куинн Дж.Б., Гошал С. Стратегический процесс. - СПб.: Питер, 2001. - С.130.

8. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.
9. Исаев Р. СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ВА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТИЗИМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Иқтисодиёт ва таълим. – 2021. – №. 5. – С. 173-177.
10. Русаков И.А. Управление развитием экспортного потенциала предприятий машиностроительного комплекса: автореф. дис. ... канд. экон. наук. - Саратов, 2012. - 28 с.
11. Яковлев Г.И. Формирование рыночной стратегии предприятия: рыночный аспект. - Саратов: Изд-во СГУ, 2010. - 435 с.
12. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.
13. Кариева Г. Международный маркетинг компаний в развитии экспорта (на примере текстильной промышленности Республики Узбекистан): автореф. дисс. на соиск. учёной степени канд. экон. наук, Т.: 2008. – 24 с.
14. Адылова З. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини ўйналтиришнинг маркетинг стратегиялари: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2008. – 156 б.
15. Муминова Н.М. Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш: иқт. фан. фал. док. (PhD) илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2017. – 26 б.



## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИННИГ САНОАТ ЎСИШИГА ТАЪСИРИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a35)

**Кобилова Насиба Хуррамовна**  
Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос  
Агентлиги Молиявий таҳлил, иқтисод  
ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг саноат ўсишига таъсири иқтисодий баҳоланган. Жумладан, ишлаб чиқарадиган саноатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатларининг улуши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ўсиш суръати физик ҳажм индекси бўйича таҳлиллари келтирилган. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариши диверсификациялаш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича иммий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқарадиган саноат, ичимликлар ишлаб чиқариш саноати, самарадорлик, саноат ўсиши.

## ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПРОИЗВОДСТВА ПРОДОВОЛЬСТВИЯ НА РОСТ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

**Кобилова Насиба Хуррамовна**  
Агентство культурного наследия  
Республики Узбекистан руководитель управления  
Финансовый анализ, экономика и планирования,  
независимый исследователь  
Университет Ташкентское государственное хозяйство

**Аннотация.** В данной статье дается экономическая оценка влияния производства продуктов питания на промышленный рост. В частности, дан анализ доли отраслей по производству продуктов питания и напитков в обрабатывающей промышленности и темпов роста пищевой промышленности по индексу физического объема. Также разработаны научные предложения по дальнейшему развитию пищевой промышленности, диверсификации производства продукции и увеличению объемов экспорта.

**Калим сўзлар:** промышленность, продукты питания, обрабатывающая промышленность, промышленность напитков, эффективность, промышленный рост.